



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Mart

407n -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Маркс” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига кайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Маркс” фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Жумабоевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига кайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Маркс” фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Жумабоевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Маркс” фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент ҳудудидаги “Маркс” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 339к, 728, 729, 730, 731, 732, 733, 734, 746, 747, 779-контурлардаги жами 19,9 гектар, шундан 18,4 гектар экин ери, 0,4 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига кайтарилсин ва танловга кўйилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Тошкент ҳудудидаги “Маркс” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг

бир қисмини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилган қишлоқ хўжалиги ер харитаси бўйича 323, 325, 339, 340, 526, 527, 644, 646, 657, 659, 694, 696, 780, 781, 782, 526к-контурлардаги жами 69,7 гектар, шундан 48,1 гектар экин ери, 20,0 гектар қўллар остидаги, 1,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони бўйича фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев